Financial and Economic Sustainability
FINECS ISSN-2181-1636 Vol. 3, Issue 2, Jan, 2023
https://finecs.net

АҲОЛИ ДАРОМАДЛАРИ ТАРКИБИ ВА ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ АМАЛДАГИ ҲОЛАТИНИ ТАҲЛИЛИ.

Ахмеджанов Каримжон Бакиджанович[1],
Тошкент Кимё халқаро университети проректори,
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор
karimjonakhmedjanov@gmail.com
Зайниев Фарход Нуриддинович[2]
Тошкент давлат иқтисодиёт университети
мустақил изланувчиси
zfnu@mail.ru

АННОТАЦИЯ

Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг устувор йўналишларидан бири аҳоли реал даромадларини изчил ошириш ва уларнинг ижтимоий қатламларидаги даромадлар тенгсизлигини камайтириш долзарб масалалардан ҳисобланади. Бунда аҳолининг реал пул даромадларини ва харид қобилиятини ошириш, кам таъминланган оилалар сонини ва аҳолининг даромадлари бўйича фарқланиш даражасини янада камайтириш вазифаси белгиланган.

Калит сўзлар: Харид қобилияти, ўрта ойлик номинал иш ҳақи миқдори, уй хўжаликларининг даромадлари ва харажатлари, истеъмол бозори, иқтисодиётнинг норасмий сектори, аҳоли бандлиги даражаси.

АННОТАЦИЯ

Одним из приоритетов социально-экономических реформ, реализуемых в Республике Узбекистан, является последовательное повышение реальных доходов населения и сокращение имущественного неравенства в их социальных слоях. Ставится задача увеличения реальных денежных доходов и покупательной способности населения, дальнейшего снижения количества малообеспеченных семей и уровня различий в доходах населения.

Ключевые слова: Покупательная способность, среднемесячная номинальная заработная плата, доходы и расходы населения, потребительский рынок, неформальный сектор экономики, уровень занятости.

ABSTRACT

One of the priorities of the socio-economic reforms being implemented in the Republic of Uzbekistan is the consistent increase in real incomes of the population and the reduction of property inequality in their social strata. The task is set to increase real money incomes and the purchasing power of the population, further reduce the number of low-income families and the level of differences in the incomes of the population.

Key words: Purchasing power, average monthly nominal wages, income and expenditures of the population, consumer market, informal sector of the economy, employment rate.

КИРИШ.

Инқирозли вазият ва чеклов чоралари шароитида, аҳолининг паст даражада даромад оладиган қатламлари асосий истеъмол товарлар нархлари ўзгаришига кучлироқ таъсирчан бўлади. Паст даромад оладиган аҳолининг асосий қисми иқтисодиётнинг норасмий секторида фаолият юритишини ҳисобга оладиган бўлсак, иқтисодий фаолликнинг пасайиши, биринчи навбатда, уларнинг даромадларига таъсир кўрсатади. Шу сабабли, яшаш қиймати масаласи жорий вазиятда муҳим аҳамият касб этади ва паст даражада даромад олаётган аҳоли фаровонлигини ошириш учун самарали чора-тадбирлар ишлаб чиқишни тақозо этади[1].

Жумладан, қисқа муддатларда бозорларни яшаш учун муҳим бўлган истеъмол товарлари билан таъминлаш ҳамда товарлар таклифини рағбатлантириш ва етказиб бериш занжирини ташкил этиш орқали нархларни тартибга солиш, ижтимоий ҳимояга муҳтож, айниқса ногирон шахсларга молиявий ёрдам ажратиш ва муҳим истеъмол маҳсулотлари билан таъминлаш, янги иш ўринлари яратган ва шароитларни яхшилаган тадбиркорларни рағбатлантириш ҳамда қишлоқ жойларда аграр соҳани ислоҳ қилиш орқали ер ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш.

АДАБИЁТЛАР ШАРҲИ.

Аҳоли даромадларини изчил ошириш ва унинг ижтимоий қатламлари ўртасидаги даромадлар тенгсизлигини тартибга солишнинг молиявий механизми илмий-назарий ва амалий асосларига бағишланган замонавий тадқиқотлар[2] А.Алесина ва Д. Родрик, Р. Агион, Е Кароли ва С. Гарсия-Пенасоли, Д. Асемугли, М.Фридман, Ж.М.Кейнс, О.Галор ва Х. Занг, Р. Перотти, Е. Саез, Т. Пикети ва А.Голдхаммер ва бошқалар томонидан ўрганилган.

Стукаленко фикрича, омилларни аҳоли даромадларининг табақаланишига мазмунига кўра таъсир кўрсатадиган олимларга ажратиш лозим бўлиб, 1) ижтимоий-иқтисодий муҳитнинг хусусиятлари: бозор тузилиши; ҳудудий омиллар; аҳолининг иқтисодий имкониятларнинг ўзгарувчан спектрига нотекис мослашиши; иқтисодиётни институционал ташкил этиш; демографик омиллар; жамиятнинг ахлоқий ва ахлоқий меъёрлари; солиқ тизими; 2) инливидуал характердаги хусусиятлари: ирсий омиллар; тўпланган инсон капитали; оила тури; норасмий муносабатлар;

[1]https://cbu.uz/upload/iblock/926/Turmush_darazhasi_va_inflyatsiya.pdf.

[2]Alesina, A. and Rodrik, D. 1994. Distributive politics and economic growth. Quarterly Journal of Economics, 109, 2, pp. 465–90.; Acemoglu, D. 2007. An Introduction to Modern Economic Growth. Journal of Economic Theory, Elsevier, vol. 147(2), pages 545-550.; Aghion, P., Caroli, E., and García-Peñalosa, C. 1999. Inequality and Economic Growth:The Perspective of the New Growth Theories. Journal of Economic LiteratureVol.37(4), 1615-1660; Friedman M. John Maynard Keynes // Federal Reserve Bank of Richmond Economic Quarterly. — 1997.; Bogle, John C. The Clash of Cultures: Investment vs. Speculation, Hoboken, NJ: John Wiley & Sons., 2012.; Galor, O. and Zang, H. 1997. Fertility, income distribution, and economic growth: theory and cross-country evidence. Japan and the World Economy, 9, 2, pp. 197–229.; Perotti, R. 1996. Growth, Income Distribution, and Democracy: What the Data Say. Journal of Economic Growth, 1(2), 149-187. Retrieved April 15, 2020, from: www.jstor.org/stable/40215914; Saez, E. 2020. Striking it Richer: The Evolution of Top Incomes in the United States (Updated with 2018 estimates). Retrieved: March 25th, 2020. From: eml.berkeley.edu/~saez/saez-UStopincomes-2018.pdf.; Piketty, T., and Goldhammer, A. 2015. The Economics of Inequality. Cambridge, Massachusetts; London, England: Harvard University Press. Retrieved May 16, 2020, from www.jstor.org/stable/j.ctvjnrtk.

3) Кутилмаган характердаги хусусиятлари: кутилмаган ҳодисалар, ижтимоий, сиёсий ва табиий ўзгаришлар. Малкина эса бошқа иқтисодчи олимлардан фарқ қилган ҳолда замонавий иқтисодиётда даромадлар тенгсизлигининг институционал омилларини ўрганишга алоҳида эътибор қаратган бўлиб, буларга шахсларнинг табиий ва орттирилган фазилатлари; мақом фарқлари ва уларнинг чекловлари; меҳнат унумдорлигидаги фарқлар ва тармоқларнинг ривожланиш хусусиятлари; тўпланган мулкни тақсимлаш, шунингдек, активлар бўйича даромадлар динамикаси ва уларни баҳолаш хусусиятларини келтириб ўтган.

Булавинец ва Заклеткалар уй хўжаликлари даромадларининг табақаланишига таъсир даражасига кўра омилларни қуйидаги гуруҳлари ажратишган[3]:

1) хусусий омиллар: инсоннинг жисмоний ва интеллектуал қобилиятлари; таълим касбий ва малака даражаси; тадбиркорлик қобилиятининг мавжудлиги; мотивация ва меҳнатсеварлик; мулк объектларига эгалик қилиш; уй хўжалигининг жинси, ёши ва миқдорий тузилиши;

2) микро даражадаги омиллар (инсон меҳнат фаолияти оқибатида): корхона (фирма), муассаса ёки ташкилот тегишли бўлган фаолият тури; мулкчилик тури; хўжалик юритувчи субъектнинг ташкилий-ҳуқуқий тузилиши; товар ва ресурс бозорларида жой олиш; техник жиҳозлар даражаси; жойлашув манзили; корпоратив маданият даражаси;

3) макро даражадаги омиллар (давлат иқтисодиётига оид): иқтисодий салоҳият, миллий ишлаб чиқариш самарадорлиги, ялпи миллий даромад ҳажми, мамлакатнинг нарх сиёсати, солиқ тизими, ижтимоий ва меҳнат муносабатларини тартибга солиниши, ижтимоий шериклик институтларини ривожланиш даражаси.

Аҳоли даромадлари ва аҳоли даромадлари тенгсизлигини тартибга солишнининг молиявий механизмининг илмий-назарий ва амалий асослари Ўзбекистонлик қатор иқтисодчи олимлар, хусусан, Қ.Х. Абдурахмонов, Т.М.Ахмедов, Н.М.Ибрагимова, Н.Н.Сафарова, М.А.Ахмедова, Р.З.Набибуллаева, Н.М. Юлдашева, Б.Б. Бахтиёров А.В. Вахабов, О.О. Олимжонов, Н.Х. Жумаев, Х. С. Мухиддинов, Н. Мўминов, Т.Ким, Ф.Эгамбердиев, Н.И. Рустамов, Х.А. Қурбонов ва бошқаларнинг ишларида ўз ифодасини топган.

Юқоридаги иқтисодчи-олимлар томонидан амалга оширилган тадқиқотларда аҳоли даромадларининг таркиби ва тузилмаси, даромадлар тенгсизлигини тартибга солишнининг ижтимоий-иқтисодий мазмунининг умумметодологик асослари кенг ёритиб берилган. Муаллиф ушбу тадқиқот ишида 2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт Стратегиясида белгиланган устувор мақсадларни амалга ошириш шароитида аҳоли даромадларини ошириш ва даромадлар тенгсизлигини тартибга солиш орқали улар турмуш фаровонлигини барқарорлаштиришнинг молиявий механизмини такомиллаштириш масалалари комплекс тадқиқ қилинган.

ТАДҚИҚОТ МЕТОДОЛОГИЯСИ.

[3] Булавинець В.М., Заклекта А.И. Неравенство доходов населения: факторы и современное состояние // Эффективная экономика. 2017. № 11. С. 23–31.

Ўзбекистон Республикасининг “Аҳоли бандлиги тўғрисида”ги 2020 йил 20 октябрдаги ЎРҚ-642 сон Қонуни, Ўзбекистон Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт Стратегияси тўғрисида»ги, 2019 йил 14 майдаги ПФ-5718-сон «Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “2020 йил 29 августдаги “2020-2021 йилларда иқтисодий ўсишни тиклаш ва иқтисодиёт тармоқлари ҳамда сохаларида тизимли таркибий ислоҳотларни давом эттириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 529-сонли Қарори ҳамда мазкур фаолиятга доир бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР МУҲОКАМАСИ.

2021 йилда республика аҳолисининг умумий даромадлари 515,7 трлн. сўмни, аҳоли жон бошига бўлган даромад 14,8 млн. сўмни ташкил этган. Аҳолининг умумий даромадлари таркибида 65,0 % улушга эга бўлган меҳнат фаолиятидан олинган даромадлар (ёлланма ишчиларнинг даромадлари ва мустақил равишда банд бўлишдан олинган даромадлар) ва 26,3 % ни ташкил этувчи трансфертлардан олинган даромадларнинг улуши юқоридир (1-жадвал). Бундан кўриниб турибдики, аҳолининг иш ҳақи кўринишидаги даромадларни тартибга олиш орқали даромадлар тенгсизлигини камайтириш мумкин бўлиб бунда, бунда белгиланган номинал иш ҳақи ва реал иш ҳақи миқдорлари, даромад солиғидан кейин аҳоли ихтиёрида қоладиган даромад, аҳоли бандлиги даражаси каби омиллар муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, трансфертлардан олинган даромадларда ижтимоий трансфертларнинг улуши 37,0 %ни (пенсия, нафақа ва стипендия) ташкил этиб, бошқа жорий трансфертларни улуши 63,2%га тенгдир. Ижтимоий трансфертлар таркибида пенсиялар энг кўп улушни (77,8 %) ташкил қилган бўлса, нафақалар 20,4 % ни, стипендиялар 1,8 % ни ташкил этган[4].

1-жадвал


Аҳолининг умумий даромадлари миқдори ва унинг таркиби[5]

Кўрсаткичлар	2018 й.	2019 й.	2020 й.	2021 й.
Аҳоли умумий даромадлари миқдори (трлн.сўм)	286,3	344,7	401,5	515,7
Аҳоли жон бошига умумий даромадлари (млн.сўм)	8,7	10,3	11,7	14,8
Аҳоли даромадларини таркиби (%да)	100	100	100	100
Меҳнат фаолиятидан олинган даромадлар	71,1	66,0	65,9	65,0

[4]https://stat.uz/images/uploads/reliz2021/aholi_dekabr_uz_26_01_2022.pdf.
[5]https://stat.uz/images/uploads/reliz2021/aholi_dekabr_uz_26_01_2022.pdf.

Шахсий истеъмол учун ўзида ишлаб чиқарилган хизматлардан олинган даромадлар	1,8	2,6	7,4	6,5
Трансфертлардан олинган даромадлар	23,5	26,1	24,6	26,3
Мол-мулкдан олинган даромадлар	3,5	5,3	2,1	2,2

Статистик маълумотларга кўра, сўнгги йилларда ҳудудлар кесимида аҳоли жон бошига умумий даромадлар миқдорида сезиларли фарқланиш тенденциялари кузатилмоқда, жумладан 2021 йилда республика бўйича аҳоли жон бошига умумий даромад 14769 минг сўмни ташкил этган ҳолда бу кўрсаткич Тошкент шаҳрида 30232,0 минг сўмни, Навоий вилоятида 24156,2 минг сўмни, Бухоро вилоятида 17847,1 минг сўмни, Тошкент вилоятида 16331,7 минг сўмни ва Хоразм вилоятида 15484,5 минг сўмни ташкил этган бўлиб, бошқа ҳудудларда аҳоли жон бошига умумий даромад республика ўртача кўрсаткидан пастдир. Хусусан, аҳоли жон бошига умумий даромадлар бўйича энг паст кўрсаткичлар Фарғона вилоятида 10929,8 минг сўмга, Наманган вилоятида 11329,1 минг сўмга, Қорақалпоғистон Республикасида 11391,6 минг сўмга ва Сурхондарё вилоятида 11884,7 минг сўмга тўғри келган (1-расм).



1-расм. Ҳудудлар кесимида аҳоли жон бошига умумий даромадлар таҳлили[6], минг сўмда.

Республиканинг ҳудудлар кесимидаги доимий аҳоли сони тўғрисида маълумотларга асосланган ҳолда шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, 2017-2021 йиллардаги аҳолининг ўртача 23385,3 минг киши ёки умумий аҳолининг тахминан 70 % аҳоли жон бошига умумий даромад республика ўртача кўрсаткидан паст бўлган ҳудудларга тўғри келади (2-жадвал).


2-жадвал

Доимий аҳоли сони тўғрисида маълумот[7], йил бошига, минг киши

[6]https://stat.uz/uz/rasmiy-statistika/living-standards-2.
[7] tat.uz/uz/rasmiy-statistika/labor-market-2.

Ҳудудлар	2017	2018	2019	2020	2021	2022
Ўзбекистон Республикаси	32120.5	32656.7	33255.5	33905.2	34558.9	35271.3
Қорақалпоғистон Республикаси	1817.5	1842.3	1869.8	1898.3	1923.7	1948.5
Андижон	2962.5	3011.7	3066.9	3127.7	3188.1	3253.5
Бухоро	1843.5	1870.2	1894.8	1923.9	1947.1	1976.8
Жиззах	1301.0	1325.0	1352.4	1382.1	1410.5	1443.4
Қашқадарё	3088.8	3148.4	3213.1	3280.4	3335.4	3408.3
Навоий	942.8	958.0	979.5	997.1	1013.6	1033.9
Наманган	2652.4	2699.6	2752.9	2810.8	2867.5	2931.1
Самарқанд	3651.7	3720.1	3798.9	3877.4	3947.7	4031.3
Сурхондарё	2462.3	2514.2	2569.9	2629.1	2680.8	2743.2
Сирдарё	803.1	815.9	829.9	846.3	860.9	878.6
Тошкент	2829.3	2861.2	2898.5	2941.9	2975.9	2939.7
Фарғона	3564.8	3620.2	3683.3	3752.0	3820.0	3896.4
Хоразм	1776.7	1805.0	1835.7	1866.5	1893.3	1924.2
Тошкент ш.	2424.1	2464.9	2509.9	2571.7	2694.4	2862.4

Бундан ташқари, аҳоли даромадлари таркибида меҳнатга ҳақ тўлаш тарзида олинган даромадларни улуши юқорилигини ҳисобга оладиган бўлсак, соҳалар кесимида ҳам ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи миқдоридаги юқори фарқланишни кузатиш мумкин.




2-расм. Ўртача ойлик номинал иш ҳақи миқдори ва айрим тармоқлар бўйича таҳлили[8], минг сўмда.

Статистик маълумотларга кўра, республикадаги ўрта ойлик номинал иш ҳақи миқдорининг соҳалар бўйича таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, саноат, ахборот ва коммуникация, молиявий ва суғурта хизматлари соҳасида ўртача ойлик номинал

[8] https://stat.uz/uz/rasmiy-statistika/labor-market-2.

ҳисобланган иш ҳақи миқдори республика бўйича ўртачадан юқори бўлиб, таълим, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги, қурилиш, таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш соҳаларида иш ҳақи миқдори ўртача кўрсаткичдан сезиларли даражада пастдир (2-расм). Агарда иш билан банд аҳолининг тахминан 50 % (6626,3 минг киши) ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи миқдори республика бўйича ўртачадан кўрсаткичдан паст бўлган қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги, қурилиш, таълим ҳамда соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар соҳаларига тўғри келади.

(3-жадвал)



3-расм. Давлат бюджети харажатлари ва трансфертлари суммасининг регрессион таҳлили[9]

Давлат бюджети харажатлари ва трансфертлари суммасининг регрессион таҳлили натижасига кўра, бюджет харажаҳтлари ўсиши ва трансфертлар суммаси ўртасида юқори статистик боғлиқлик мавжудлиги аниқланган (3-расм). Бугунги кунда аҳоли даромадларини солиқлар воситасида тартибга солишда, ижтимоий аҳамиятга эга бўлган бир қатор солиқ имтиёзлари назарда тутилган. Жумладан, Солиқ кодексига асосан, давлат пенсиялари, нафақалар, қонунчиликка мувофиқ уй-жой-коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича ҳар ойлик компенсация пул тўловлари, ўзини ўзи банд қилган шахсларнинг меҳнат фаолияти натижасида олинган даромадлари солиқ солинадиган умумий даромадлар таркибига киритилмаган.

Таҳлил маълумотларидан кўриниб турибдики, аҳоли даромадлари тенгсизлигини даражасини ўсишига иш ҳақидаги фарқланиш миқдорини таъсири юқоридир. Бу эса ўз навбатида, фискал инструментлар орқали даромадлар тенгсизлигини камайтириш, айниқса тенг ставкаларда жисмоний шахслар даромадини солиққа тортиш тизими даромадларни тартибга солишда самараси

[9]Таҳлил асосида диссертант томонидан тузилган.

эакнлигини кўрсатади. Бу эса аҳоли даромадларини тенгсизлигини камайтиришда давлат бюджетидан турли шаклдаги трансфертлар амалга оширишни талаб этади.


3-жадвал

Аҳолининг бандлиги ва унинг тармоқлар таркиби бўйича таҳлили[10], минг киши

Кўрсаткичлар	2017	2018	2019	2020	2021
Иқтисодий фаол аҳоли	14357.3	14641.7	14876.4	14797.4	14980.7
Иш билан банд аҳоли	13520.3	13273.1	13541.1	13236.4	13538.9
шу жумладан:					
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	3671.3	3537.2	3544.6	3499.2	3502.1
Саноат	1826.8	1802.9	1821.5	1809.5	1883.3
Қурилиш	1290.0	1205.5	1324.6	1305.6	1286.8
Савдо	1480.2	1401.8	1436.4	1405.4	1537.2
Ташиш ва сақлаш	654.9	645.2	646.1	610.5	648.5
Таълим	1106.6	1111.7	1134.4	1158.2	1178.3
Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар	602.6	604.0	616.7	669.5	659.0
Бошқа турлари	2887.9	2964.8	3016.8	2778.5	2843.6

Жумладан, 2020 йилга нисбатан 2021 йилда нафақаларнинг ўсиш суръати 147,9 % ни ташкил этган. 2021 йилда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида, жами 10,2 трлн. сўм миқдорида нафақа ва моддий ёрдамлар ажратилган. Шундан 40,5 % и буджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ҳисобидан молиялаштириладиган давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақалар ва 59,5 % и республика ва маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштирилган (4-расм).

[10]tat.uz/uz/rasmiy-statistika/labor-market-2.



4-расм. Ҳудудлар кесимида нафақа ва моддий ёрдамлар манбаларини таҳлили[11],%да .


2019 йил давомида аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида жами 1,1 трлн. сўм миқдорида нафақа ва моддий ёрдамлар ажратилган бўлиб, шундан 52,5 % бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ҳисобидан молиялаштириладиган давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақалар ва 47,5% давлат бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштирилган. 2020 йилда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида, жами 6,9 трлн. сўм миқдорида нафақа ва моддий ёрдамлар ажратилди. Шундан 53,0 % и буджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ҳисобидан молиялаштириладиган давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақалар ва 47,0 %и давлат бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштирилган[12].

Таҳлил натижаларидан кўриниб турибдики, аҳоли даромадларидаги тенгсизлик даражасини камайтириш мақсадида давлат бюджетидан ажратилган нафақа ва моддий ёрдамлар суммаси охирги 3 йил ичида 1,1 трлн. сўмдан 10,2 трлн. сўмга етган ёки 9,3 бараварига ошган бўлиб, бу бюджетга фискал босимни сезилари даражада кучайишига олиб келади.

[11]https://stat.uz/images/uploads/reliz2021/aholi_dekabr_uz_26_01_2022.pdf.
[12]https://stat.uz/images/uploads/reliz.pdf.

Шунингдек, 2020 йил II чорак якунлари бўйича уй хўжаликларининг даромадлари ва харажатлари, уларнинг таркиби, коронавирус пандемияси ва инфляциянинг турмуш даражасига таъсири ўрганилган. Таҳлиллар уй хўжаликлари даромадлари ва харажатлари бўйича сўров натижалари ҳамда ҳудудлар кесимидаги истеъмол нархлари индекси маълумотлари асосида амалга оширилган[13].

Сўровнома натижалари бўйича оилавий даромадлар таркиби ва ундаги ўзгаришлар гуруҳларга бўлиб таҳлил қилинганда, сўровномада иштирок этган респондентларнинг асосий қисми – 35,0 фоизи ўртача 2-4 млн. сўм ойлик даромад эга эканлигини маълум бўлди. Ушбу кўрсаткич 2020 йил I чорагидаги сўровда 38,7 фоизни ташкил этган (5-расм). Респондентларнинг 21 фоизида оилавий ўртача ойлик даромад 2 млн. сўмгача бўлиб, ушбу гуруҳ улуши I чоракка (8 фоиз) нисбатан сезиларли даражада ўсган. II чоракдаги сўровда мазкур кам даромадли гуруҳ улушининг сезиларли ўсиши карантин чекловлари таъсирида норасмий сектор ва хизматлар соҳасида иш жойларининг қисқариши ҳисобига аҳоли даромадларининг камайганлиги билан изоҳланиши мумкин.




5-расм. Уй хўжаликларининг даромад даражаси бўйича таснифланиши[14]

Шунингдек, ўртача 4-6 млн. сўм даромадга эга уй хўжаликларининг улуши ҳам I чоракдаги 31 фоиздан II чоракда 22 фоизгача пасайган. Сўровномада иштирок этган жами респондентлардан 56 фоизи пандемия сабабли оилавий даромадларининг камайганлигини таъкидлаган бўлса, 15 фоизи даромадсиз қолганлигини билдирган. Шу билан бир қаторда, респондентларнинг 48 фоизи пандемия натижасида оилавий жамғармалари камайганлигини, 28 фоизи эса оилавий жамғармасиз қолганлигини таъкидлаган.

2020 йилда уй хўжаликларининг гўшт маҳсулотлари учун ўртача ойлик харажатлари II чоракда олдинги чоракка нисбатан сезиларли даражада қисқарган.

[13]Ушбу сўровнома Марказий банкнинг ижтимоий тармоқлардаги расмий саҳифаси орқали онлайн шаклда 2020 йил 3-8 июль кунлари ўтказилган ва унда жами 6987 нафар респондент иштирок этган. Сўров тасодифий бўлишига қарамасдан, асосан ижтимоий тармоқ фойдаланувчиларининг фикрларини акс эттириши мумкин.
[14]https://cbu.uz/upload/iblock/926/Turmush_darazhasi_va_inflyatsiya.pdf.

Сўров маълумотлари асосида, уй хўжаликларининг айрим озиқовқат маҳсулотларига ўртача ойлик харажатлари таҳлил қилинганда, I чоракда барча даромад гуруҳидаги аҳолининг асосий озиқ-овқат маҳсулотлари бўйича харажатлари I чоракка нисбатан сезиларли даражада қисқарганлиги аниқланган (6-расм). Хусусан, ойлик даромади 2 млн. сўмгача бўлган аҳолининг ойлик ўртача гўшт маҳсулотлари хариди I чоракка нисбатан 39,5 фоизга ёки 107 минг сўмга камайиб 164 минг сўмни ташкил этган. Мазкур фарқ ойлик даромади 2-4 млн. сўм бўлган уй хўжаликларида 161 минг сўмга, даромади 10 млн. сўмдан юқори бўлган уй хўжаликларида 528 минг сўмни ташкил қилган[15].



6-расм. Уй хўжаликларининг асосий озиқ-овқат маҳсулотларига харажатлари таҳлили[16], (минг сўмда).

Хусусан, истеъмол бозоридаги нархларни ҳафталик ўрганиш асосида, уларга таъсир қилган омиллар ва уларнинг олдини олиш бўйича тегишли тадбирларга амалга оширилган. Ички бозорда асосий озиқ-овқат маҳсулотлари таклифи ҳажмларини ошириш мақсадида тижорат банклари томонидан тадбиркорлик субъектларига ўсимлик ёғи, картошка, гўшт (мол, қўй, парранда гўшти), музлатилган балиқ импорти учун 500 млрд. сўмдан ортиқ имтиёзли кредитлар (йиллик 4 фоиз) ажратилган.

Натижада, 2021 йил якунлари бўйича инфляция даражаси 10 фоиз доирасида, 2020 йил кўрсаткичига (11,1 фоиз) нисбатан 1,1 фоиз бандга паст миқдорда шаклланган. Хусусан, аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадларига 166,7 трлн. сўм ёки 2020 йилга нисбатан 1,3 баробарга кўп кредитлар йўналтирилган. Пандемияни иқтисодиётга салбий таъсирларини юмшатиш чора-тадбирлари доирасида 2021 йилда фаолияти тўлиқ тикланмаган 14

[15]https://cbu.uz/upload/iblock/926/Turmush_darazhasi_va_inflyatsiya.pdf.
[16]https://cbu.uz/upload/iblock/926/Turmush_darazhasi_va_inflyatsiya.pdf.

647 та хўжалик субъектларининг 21,4 трлн. сўмлик потенциал муаммоли кредитларнинг қайтариш муддатлари такроран 3-6 ойга узайтирилган[17].

Умуман олганда, аҳоли даромадлари тенгсизлиги даражасини кучайишига зарурий озиқ-овқат ва хизматлар нархини юқори бўлиши ҳамда юз берган пандемия туфайли каратин қоидаларини қўлланиши натижасида асосан бирламчи эҳтиёж учун зарур бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари ва дори воситаларига нисбатан талабни ортиши каби ҳолатларни асосий сабаблар сифатида келтириб ўтиш мумкин. Ҳудудлар кесимида даромадлар ва инфляция даражаси турлича бўлиб, бунда даромадлар миқдори юқори бўлган ҳудудларда инфляция даражаси ҳам нисбатан юқорилиги ва аксинча даромад даражаси нисбатан паст ҳудудларда инфляциянинг ҳам нисбатан паст бўлиши кузатилган.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР.

Олиб борилган тадқиқот натижаларига кўра, уй хўжаликлари томонидан сезиладиган инфляция даражаси харажатлар таркиби ва нархларнинг ўзгаришига қараб фарқ қилади. Хусусан, юқори даражада шаҳарлашган ҳудудларда истиқомат қилувчи кам даромадли уй хўжаликлари юқори даражадаги инфляцияни сезадилар. Умумлаштирилган ҳолда яшаш қийматининг ўсиш даражаси ўртача даромадлар ўсишига мутаносиб бўлади. Айни пайтда алоҳида гуруҳлар бўйича таҳлиллар, яшаш қийматининг ўсишига жуда таъсирчан бўлган аҳоли гуруҳлари мавжудлигини кўрсатди, хусусан: харажатлари миқдори умумий даромадларидан юқори бўлган уй хўжаликлари; кам даромадли ва юқори даражадаги молиявий мажбуриятларга эга уй хўжаликлари; қатъий белгиланган даромад олувчи уй хўжаликлари, шу жумладан, нафақа олувчилар.

Бундан ташқари, узоқ муддатга мўлжалланган чора-тадбирлар қаторига давлат ва халқаро молиявий институтлар маблағлари ҳисобига олий ўқув юртларида кам таъминланганлар учун квота жойларини ажратиш орқали “ижтимоий кўтарилиш” институтини яратиш, аҳолини мақбул уй-жой ва жамоат транспорти билан таъминлаш, молиявий таълим ва аҳолининг молиявий саводхонлик даражасини ошириш, замонавий таълимни молиялаштиришни кенгайтириш ва замонавий ахборот технологиялари, инженерлик, биотиббиёт ва бошқа шу каби замонавий мутахассисликларга йўналтириш ҳамда кам таъминланган оилалар учун мактаб-гимназиялар сонини кўпайтириш ва болаларни сифатли ўрта таълим билан таъминлаш кабиларни келтириб ўтиш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси (янги таҳрирда) https://lex.uz/docs/4674902.

2. Ушбу сўровнома Марказий банкнинг ижтимоий тармоқлардаги расмий саҳифаси орқали онлайн шаклда 2020 йил 3-8 июль кунлари ўтказилган ва унда жами 6987 нафар респондент иштирок этган. Сўров тасодифий бўлишига қарамасдан, асосан ижтимоий тармоқ фойдаланувчиларининг фикрларини акс эттириши мумкин.

[17]https://cbu.uz/oz/press_center/reports/637717.

3. https://cbu.uz/upload/iblock/926/Turmush_darazhasi_va_inflyatsiya.pdf.
4.https://stat.uz/images/uploads/reliz2021/aholi_dekabr_uz_26_01_2022.pdf.
5. https://stat.uz/uz/rasmiy-statistika/living-standards-2.
6. Стукаленко Е.А. Дифференциация доходов населения: причины и последствия //Вестник ОмГУ. Серия: Экономика. 2014. № 1.С. 183–187.
7. Суринов А.Е. Ненаблюдаемая экономика: попытка количественных измерений: монография. М.: ООО «Финстатинформ», 2003. 256 с.
8. Тохтарова В.С. Дифференциация доходов населения: проблемы и факторы // Вестник Хмельницкого национального университета. 2011. № 6. С. 216–220.
10. Чернов С.Б., Захарова А.В. Налог на доходы физических лиц как инструмент государственного регулирования экономики: российский и международный опыт. Экономические науки •2020•№11(192). https://ecsn.ru.
11. Шевяков А.Ю., Кирута А.Я. Неравенство, экономический рост и демография: неисследованные взаимосвязи. М.: М-Студио, 2009. 192с.